

Давлат томонидан кўрилаётган чоралар одамларимизнинг касалликни юқтириб олиш эҳтимolini имкон қадар чегаралаш, вирусли инфекциянинг тарқалишини жиловлашга қаратилган

## ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КЎРИЛАЁТГАН ЧОРАЛАР ОДАМЛАРИМИЗНИНГ КАСАЛЛИКНИ ЮҚТИРИБ ОЛИШ ЭҲТИМОЛИНИ ИМКОН ҚАДАР ЧЕГАРАЛАШ, ВИРУСЛИ ИНФЕКЦИЯНИНГ ТАРҚАЛИШИНИ ЖИЛОВЛАШГА ҚАРАТИЛГАН

Коронавирус пандемияси бутун инсоният учун Яратганнинг берган бир синовидир. Халқимиз жипслашиб, шифокорларнинг барча тавсияси, кўрсатмаларига амал қилсалар, одамларимиз карантин даврида ҳаётий заруратсиз ўз хонадонларини тарк этмаса, касалликнинг илк белгилари аниқланганда, уни яширмай шифокорларга ўз вақтида мурожаат қилсалар, биз бу касалликни, албатта, енгамиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ

### ҚҲЙ ПАЛАТА КЕНГАШИ ЙИГИЛИШИ ИЛК БОР ВИДЕОКОНФЕРЕНЦАЛОҚА ТАРЗИДА ЎТКАЗИЛДИ

2020 йил 27 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги ишчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида муҳокама этилган масалалар, давлатимиз раҳбарининг куни кеча қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишга жалб қилинган тиббиёт ва санитария-эпидемиология хизмати ходимларини қўллаб-қувватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорларнинг мазмун-

моҳияти ва аҳамияти ҳусусида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг коронавирусга қарши курашиш юзасидан халқимизга қилган мурожаати ва унда кўтарилган масалалар ҳам Кенгаш аъзоларининг диққат марказида бўлди.

Йиғилишда айни масалалар юзасидан депутатлик корпуси олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Қайд этиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида Кенгаш йиғилиши илк бор видеоконференцалоқа тарзида ўтказилди. Бунинг учун қўйи палатада барча техник имконият яратилган.

«Халқ сўзи».

### ШИФОКОРЛАР ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Коронавирус инфекциясидан зарарланган беморлар билан мулоқотга киришадиган, зарарланган беморлар жойлаштирилган объектларда ҳамда коронавирус инфекциясини аниқлаш лабораторияларида фаолият олиб бораётган тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга куйидаги миқдорларда (солиқлардан ташқари) махсус қўшимча рағбатлантириш тўлови белгиланди:



врач ходимларга, врач-лаборантларга – 25 млн. сўм;



кичик тиббиёт ходимларига – 10 млн. сўм;



ўрта тиббиёт ходимларига, ҳамшира-лаборантларга – 15 млн. сўм;



бошқа ходимларга – 5 млн. сўм.

Махсус тўловлар карантин амал қиладиган муддат давомида, шу жумладан, жорий йилнинг март ойи учун, ходимнинг ҳар 14 кунлик фаолият даври якунида тўлаб берилади.

Тиббиёт, санитария-эпидемиология хизмати ва бошқа ходимларга бир йўла бериладиган қўшимча тўловлар:

беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириб олган тақдирда – 100 млн. сўм;

беморлар билан ишлаган вақтида коронавирус инфекциясини юқтириш натижасида оғир аҳволга тушган ва соғлиғи тикланмаган тақдирда – 250 млн. сўм.